

**Янгибозор туманида инвестиция масалалари бўйича  
бажарилган ишлар тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

31.10.2023 йил

**Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми:**

Туманда 2023 йилда жами 513,1 млрд.сўмлик, шундан, январь-октябрь ойларида режа 472,6 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари, амалда 479,0 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

**Худудий инвестиция дастурлари:**

- Жорий йилда Янгибозор туманида 2023 йилда тасдиқланган инвестиция дастурлари доирасида умумий қиймати 992,3 млрд.сўм бўлган 84 та лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 2003 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Хусусан,

- Саноат йўналишида қиймати 783,6 млрд.сўм бўлган 19 та лойиҳада 1437 та янги иш ўрни;

- Қишлоқ хўжалиги йўналишида қиймати 149,9 млрд.сўм бўлган 25 та лойиҳада 302 та янги иш ўрни;

- Хизмат кўрсатиш йўналишида қиймати 58,8 млрд.сўм бўлган 40 та лойиҳада 264 та янги иш ўрни.

- Жорий йилнинг 31 октябрь ҳолатига тасдиқланган дастур доирасида қиймати 88,7 млрд.сўмлик бўлган 51 та лойиҳа ишга туширилиб, 338 нафар янгидан иш ўринлари яратилди.

Шунингдек бугунги кунда 3 та лойиҳаларнинг ишга тушириш далолатномалари расмийлаштирилмоқда.

**Янгибозор туманида 2023 йилда тўғридан-тўғри ҳорижий инвестицияларни жалб қилиш** бўйича йиллик режа 30,4 млн.доллар, шундан январь-октябрь ойлари режаси 26,1 млн.доллар қилиб белгиланган бўлиб, ушбу режа жорий йилнинг 31 октябрь ҳолатига 27,4 млн.долларга, 105 фоизга бажарилди.

**Туманда 2023 йилда экспорт қилиш** йиллик режаси 27,5 млн.доллар, (ҳоким топшириғи бўйича) шундан январь-октябрь ойлари учун 25,1 млн.доллар белгиланган бўлиб, ушбу режа жорий йилнинг 31 октябрь ҳолатига 25,2 млн.долларга ёки режага нисбатан 104,2 фоизга бажарилди.

*Жумладан:*

- Саноат йўналиши бўйича январь-октябрь ойлари режаси **17,7 млн.доллар** бўлиб, ҳақиқатда режа **8,8 млн.долларга**, яъни режага нисбатан **49,6 фоизга**;

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича январь-октябрь ойлари режаси **7,3 млн.доллар** бўлиб, ҳақиқатда режа **16,4 млн.долларга**, яъни режага нисбатан **222,0 фоизга** бажарилди.

**ПК-57-сонли қарорга асосан тадбиркорларнинг бино ва иншоотларида ўрнатиладиган қуёш панеллари ҳамда кичик ФЭСларни барпо этиш:**

- Туманда **2023 йиллик** режа жами **18 та** тадбиркорлик субъектларида умумий **1,036 МВт** қувватида қуёш панеллари ўрнатиш қилиб белгиланган. Жорий йилнинг **31 октябрь** ҳолатига жами **56 та** тадбиркорлик субъектларида умумий **0,336 МВт** қувватида қуёш панеллари ўрнатилиб, белгиланган режа **32,0 фоизга** бажарилди.

**Эркин иқтисодий зонаси:**

Янгибозор тумани “Қадрият” маҳалласида **15,0 гектар** ер майдонидан иборат “Эркин иқтисодий зонаси” ташкил қилинган.

“Эркин иқтисодий зонаси”да **5 та** саноат корхоналари ташкил қилиш ҳисобига жами **34,6 млн.доллар** инвестициялар, шундан **15,3 млн.доллар** тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, **12,4 млн.доллар** хорижий банк кредитлари ўзлаштириш ҳисобига **400 нафардан** ортиқ янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

*Жумладан:*

1. "Гранд Дреам Хоус" МЧЖ томонидан амалга оширилаётган "Синтефон ишлаб чиқариш" лойиҳаси умумийнинг қиймати **53,6 млрд.сўм**, шундан ўз маблағи **12,0 млрд.сўм**, банк кредити **3,5 млн.доллар** хорижий кредит, янгидан яратиладиган иш ўринлари сони **50 та** қилиб белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича бино қуриб битказилган, **18 метрлик** металл конструкция ҳамда асбоб-ускуналар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

2. "Kristal White Salt" МЧЖ томонидан амалга оширилаётган "Ош тузи ва туздан ҳар хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш" лойиҳасининг умумий қиймати **6,2 млн.доллар**, шундан ўз маблағи **3,1 млн.доллар**, банк кредити **3,1 млн.доллар** хорижий кредит, янгидан яратиладиган иш ўринлари сони **60 та** қилиб белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича бино қуриш ҳамда пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

3. **"YENI ENERJI" МЧЖ ҚК** томонидан амалга оширилаётган **"Энергия қувватлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш"** лойиҳасининг умумий қиймати **7,8 млн.доллар**, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция **3,9 млн.доллар**, хорижий банк кредити **3,9 млн.доллар**, янгидан яратиладиган иш ўринлари сони **80 та** қилиб белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

4. **"SALCHEM INDUSTRY" МЧЖ** томонидан амалга оширилаётган **"Экстра туз маҳсулотларини ишлаб чиқариш"** лойиҳасининг умумий қиймати **11,5 млн.доллар**, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция **11,5 млн.доллар**, янгидан яратиладиган иш ўринлари сони **100 та** қилиб белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича асосий ва ёрдамчи биноларини пардозлаш ҳамда асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

5. **"Янгибозор ёғ мой" МЧЖ** томонидан амалга оширилаётган **"Ёғ, мой ишлаб чиқариш заводи"** лойиҳасининг умумий қиймати **55,0 млрд.сўм**, шундан ўз маблағи **35,0 млрд.сўм**, банк кредити **20,0 млрд.сўм**, янгидан яратиладиган иш ўринлари сони **100 та** қилиб белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича бино қуриш, пардозлаш ҳамда асбоб-ускуналар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

**Кичик саноат зонаси:**

Янгибозор туманида янгидан ташкил қилинган **"Манғитлар"** маҳалласида жойлашган **"Кичик саноат зонаси"** умумий майдони **1,6 гектардан** иборат бўлиб, **20 та** лотга бўлинган, ушбу **"Кичик саноат зонаси"**да жами **200 нафардан** ортиқ янгидан иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Бугунги кунга кичик саноат зонасида **"Lora Tex Yangibozor" МЧЖ** томонидан **"Тикувчилик комплексини ташкил қилиш"** лойиҳаси амалга оширилаётган бўлиб, **4,0 млрд.сўм** инвестиция киритилиши ҳамда янгидан **100 нафардан** ортиқ иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича бино қуриб битказилган, пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

**"Юқори Бошқир"** маҳалласи жойлашган **"Кичик саноат зонаси"** умумий майдони **1,0 гектардан** иборат бўлиб, жами **11 та** лотга бўлинган, ушбу **"Кичик саноат зонаси"**да жами **250 нафардан** ортиқ янгидан иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.


**Ёшлар кичик саноат зонаси:**

Янгибозор тумани **"Ифтихор"** маҳалласида **2,6 гектар** ер майдонидан иборат **"Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси"** ташкил қилинган.

“Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси”да жами 40 та лотга бўлинган бўлиб, жами 280 нафардан ортиқ янгидан иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Ушбу кичик саноат зоналарида жойлашган тадбиркорлик ер майдонлари электрон онлайн аукцион савдо майдонларига сотувга тўлиқ чиқарилган.

Янгибозор туман ҳокимининг  
биринчи ўринбосари



Ж.Халметов